O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
280209




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 3 февраль, № 24 (4687) Сешанба


# МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

**_Ёш авлод иқтидори, истеъдодини камол топтириш, уларни миллий ҳамда жаҳон мусиқий ва тасвирий санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда мусиқа ва санъат мактабларининг ўрни беқиёс._**

ҒАМХЎРЛИК

Шу жиҳатдан Юртбошимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 18 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатаяпти. Хусусан, Қарши шаҳридаги 1-мактабда 335 нафар истеъдодли йигит-қиз мусиқа, тасвирий санъат ва хореография сирларини ўрганмоқда. Уларга 57 нафар малакали ва тажрибали педагог-мураббий устозлик қиляпти. Мактаб ўқувчиларининг турли кўрик-танловлардаги муваффақиятли иштироки эса билим юртининг самарали фаолият кўрсатаётганидан далолат, дейиш мумкин. Жумладан, Достон Тўрақулов доира, Дилфуза Зоирова чанг, Тўлқин Нарзуллаев скрипка, Шаҳриёр Қурбонов тасвирий санъат йўналиши бўйича республика миқёсида ўтказилган танловлар совриндорлари бўлишган.

— Айни пайтда фарзандларининг қизиқишини мусиқа ва тасвирий санъатга йўналтиришга интилувчи ота-оналар тобора кўпайиб бораяпти, — дейди мактаб директори Фахриддин Умаров. — Ўз навбатида, ёшлар ўртасида ҳам санъатнинг маълум бир турини ўзлаштиришга иштиёқ кучли. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ, 2010 йилда мактабимиз учун янги бино қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилган. Бу давлатимиз томонидан ёш авлод тарбиясига, айниқса, мусиқа ва тасвирий санъатни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.



**СУРАТДА:** *мактабнинг халқ чолғу асбоблари бўлими ўқитувчиси Зилола Раҳматова шогирди Рушана Ҳайитова билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 йил 4 февраль куни Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этади.

## ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР РИВОЖИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

"Ўзбекистон Республикасида демократик институтларнинг ривожланиши" мавзуидаги мазкур йиғилишда Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари иштирок этишди.

Маълумки, Ўзбекистон фуқаролик жамияти қуришни ўзининг стратегик мақсади деб эълон қилганидан кейин давлат ва жамият қурилишида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳаларда жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада жамиятимизда, яъни кишилар онги ва турмуш тарзида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Шунга қарамай, учрашувда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларини, жумладан, нодавлат секторни, ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини янада демократлаштириш масаласи кун тартибига чиққанлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан икки юздан зиёд жамоат, нодавлат ташкилотлари рўйхатга олинганлиги ва улар аҳолининг турмуш даражасини оширишда катта аҳамият касб этаётганлиги ҳамда давлат ва жамият сиёсий тузилмасининг аниқ шакллари намоён бўлиб бораётганлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда парламентнинг аҳамияти ошиб бораётганлигига эътибор қаратилди. Жумладан, парламентаризм халқ эҳтиёжлари ва манфаатларини ифода этувчи демократик институт сифатида қонун ва қарорлар ҳамда жамоатчилик назорати фаолияти орқали демократиянинг қарор топиши ҳамда жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг янада яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, йиғилишда парламент, суд-ҳуқуқ органлари ҳамда демократик институтлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, фаоллаштириш борасида илмий-назарий ва амалий тавсиялар берилди.

**_Кеча Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг Жиззах вилоятидаги ижросига оид назорат-таҳлил муҳокамасига бағишланган йиғилиши ўтказилди._**

## ҚОНУН ИЖРОСИ – НАЗОРАТДА

Жиззах вилоятида 2 та олий ўқув юрти, 58 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей, 524 та умумий ўрта таълим мактаби, 19 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 2 та кам таъминланган оила фарзандлари мактаб-интернати, 189 та мактабгача таълим ва 23 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда Меҳрибонлик уйи таъкидлаб ўтилган қонун ва дастур доирасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида эса 2004-2008 йилларда 407 та умумий ўрта таълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилган. Бундан ташқари, мутахассисларнинг билими ва касбий тайёргарлигини ошириш мақсадида бир қатор адабиётлар чоп этилган, электрон дарсликлар ҳамда масофавий таълимни ташкил этиш ва интерфаол усулларни ўқув жараёнига қўллаш бўйича электрон ишланмалар яратилган. Шу билан бирга, интернет хизмати яхшиланиб, ахборот-коммуникация технологиялари муваффақиятли жорий этилган.

Йиғилишда ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Мисол учун, айрим ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларида махсус фан дарсликлари етишмаслиги, ўқув залларида китобхонлар учун етарлича шароит яратилмаганлиги ҳамда янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ортга сурилаётганлиги кузатилган. Бундан ташқари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида олий маълумотли педагоглар етишмаслиги, баъзи мактаб ошхоналарида эса шароит кўнгилдагидек эмаслиги айтилди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилиб, мутасадди идораларга ҳавола этилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида "Республикада энергетика соҳасига хусусий тадбиркорликни жалб қилиш амалиёти натижалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

## Мустақил операторликнинг афзаллиги

Таъкидландики, мамлакатимизда кейинги йилларда энергетика тизимини ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги электр станциялари ишга туширилаяпти, мавжудлари қайта модернизация қилинмоқда. Бу эса электр энергияси ишлаб чиқариш қувватининг йил сайин ошишига ва таъминоти тобора яхшиланишига хизмат қилаяпти. Лекин баъзи кишилар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларида истеъмол маданиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли энергиядан тежабтергаб фойдаланмаслик, ачинарлиси, қарздорликнинг кўпайиш ҳоллари учраб турибди.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида тизимда янгича усул жорий этилди. Гап шундаки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигидаги лойиҳа асосида пойтахтимиздаги Бектемир туманида "Shosh energo savdo" шўъба хўжалик жамиятига асос солинди.

Мутахассисларнинг айтишича, тажриба сифатида бошланган бу иш ўзининг бир қатор афзалликлари билан эътиборга тушди. Негаки, ўтган йили ушбу туманда истеъмолчилар сони ошиб, қарздорлик 8 фоиз-

(Давоми 2-бетда).

## ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

**_Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан "Хусусийлаштириш ва инвестициялаш минтақавий дастурларининг самарадорлиги мониторинги: ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлар" мавзуидаги давра суҳбати шу йил 30 январда Бухоро вилояти ҳокимлигида ўтказилди. Тадбир хусусийлаштириш ва инвестициялаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг мамлакат минтақаларидаги ижроси масалаларини кўриб чиқишга бағишланди._**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралда бўлиб ўтган, 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда 2007 йилда хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди. Қўшма корхоналар, биринчи галда, юксак технологияларга асосланган тармоқларда — енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда, бундай корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ўтган йили 62 фоизга ошди. Кейинги йилларда давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди, корхоналар капиталида давлат иштирокини кескин камайтиришга оид қарорлар қабул қилинди, давлат мулкини баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотишни тартибга соладиган норматив базани либераллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Масалан, хусусийлаштириш ва инвестициялашга доир минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижаларига қараганда, 2008 йили Бухоро вилояти корхоналарига 256 миллиард сўм миқдоридаги хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 67,9 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди. Бундан ташқари, 2007–2008 йиллар мобайнида 28 та давлат активи хусусийлаштирилиб, 2,1 миллиард сўм миқдоридаги инвестиция мажбуриятлари маҳаллий инвесторлар томонидан адо этилди, икки мингга яқин янги иш ўринлари барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" Хоразм вилояти филиали ўз фаолиятини бошлагандан буён ўтган 8 йил мобайнида воҳа фермерларига 22 миллиард сўмликдан ортиқ 1 минг 592 та турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникаларини етказиб берди.**

### Фермерларга кўмакдош

Ўтган йили эса умумий қиймати 7 миллиард 435 миллион сўмлик 221 дона техника харид қилинди.

Айни пайтда фермерларга "МХ-140", "ТЛ-50-60", "ТТЗ" русумли ҳайдов тракторлари лизингга берилаяпти. Қишлоқ хўжалик техникаларининг лизинг муддати етти йилдан 10 йилга узайтирилганлиги фермерларга қўл келмоқда.

Ташкилот бу йил 262 та турли русумдаги қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга бериш бўйича буюртмалар олди.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги қўшма компания

**_Тошкентда «BDS Lising» Ўзбекистон — Швейцария қўшма компанияси иш бошлади. Устав капитали 724,8 минг АҚШ долларидан иборат ушбу компания мамлакатимизда фаолият юритаётган юридик шахс мақомидаги мижозларга лизинг хизмати кўрсатади._**

«BDS Lising» афзаллиги шундаки, бу ерда мижознинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал тарзда иш олиб борилади. Энг муҳими, хизматлар сифатли ва арзон.

Янги лизинг компаниясига Ўзбекистон томонидан «Euroasia Insurance» суғурта компанияси муассис ҳисобланиб, у устав капиталининг 36 фоизига эгалик қилади.

**М. ТОЖИЕВА.**

### Кимё корхоналарига сармоя

**_Япониянинг "Mitsubishi Corp" компанияси жорий йилда мамлакатимиз кимё саноатидаги учта йирик корхона — "Навоийазот", "Максам — Чирчиқ", "Фарғонаазот"га 5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратадиган бўлди._**

Шу мақсадда тегишли ҳужжатлар БМТнинг "Соф тараққиёт механизми" лойиҳаси бўйича Ижроия кенгашига тақдим этилган.

Мазкур лойиҳа жорий йил март ойидан бошлаб амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Кимё корхоналаридан чиқаётган чиқинди газларни зарарсизлантириш, иш унумдорлигини ошириш, атроф-муҳитни асрашга қаратилган ушбу лойиҳа кимё саноатида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Л. ЗАВЯЛОВА.**

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўтган йили республикамиздаги 266 та корхонага қиймати 70 млн. АҚШ доллари миқдоридаги минитехнология ва ускуналар харид қилишга яқиндан кўмак берди.*

### Тадбиркорлар ҳамкори

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё бозорига чиқариш мақсадида палата Ўзбекистонда 45 та, хорижда эса 20 та халқаро кўргазма ва ярмаркалар, бизнес-форум ҳамда семинарлар ташкил этди. 3 мингдан зиёд маҳаллий корхона эса палата ёрдами билан хорижлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатди. Булар палатанинг хориждаги 22 та ваколатхонаси фаолияти самарасидир. Айни пайтда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Канада ва Уммон давлатларида ҳам ваколатхона очиш ҳаракатида.

**С. ИСАНБОЕВ.**

Бир рақам шарҳи

## ЕНГИЛ САНОАТИМИЗ РАВНАҚ ТОПМОҚДА



**2008** йилда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси корхоналарида **729** миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Давлатимиз томонидан мазкур тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, чет эл сармояси иштирокида янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилгани, мавжуд фабрикалар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлангани шундай ўсиш суръатини таъминлади.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Мухбиримиз мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида амалга ошириб келинаётган ишлар ҳамда қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида қўмита аъзоси Матлуба МАХАМЕТОВА билан суҳбатлашди.**

# ОИЛА САОДАТИ — ЖАМИЯТ РАВНАҚИ

**— Истиқлол оила учун муҳиятан янгиланиш имкониятини берди. Шунингдек, ҳар бир оиланинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб келинаётир. Дастлаб шу соҳада амалга оширилган ишлар хусусида тўхталсангиз.**

— Оила ва жамият бир бутунликда мавжуд. Оиланинг нуфузи, унинг улкан ижтимоий аҳамияти ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз Президентининг таъбири билан айтганда: "Жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади". Дарҳақиқат, оила барқарорлиги ва фаровонлиги жамиятнинг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлайди.

Ҳар бир оила давлат ва жамият муҳофазасига олинган. Бунинг учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар яратилган. Муҳими, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асослари мунтазам равишда такомиллаштириб келинмоқда. Мисол учун, 2002 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Оила кодексининг 17-моддаси янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, унда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши шартлиги белгиланган эди.

Мазкур Қонуннинг ижро механизмини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган. Табиийки, бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад, оила барқарорлиги, оналар ва фарзандлар саломатлигини муҳофаза қилиш, ирсиятга боғлиқ ҳамда туғма касалликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Қувонарлиси шундаки, ҳозирги кунда ёш келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтиш ўзлари ва туғилажак фарзандлари учун зарур эканлигини тушуниб етган. Бир сўз билан айтганда, юртимизда

**Парламент ҳаёти**

оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида амалга ошириб келинаётган ишлардан халқимиз мамнун.

**— Айтиб ўтилганидек, Оила кодексининг айнан 17-моддаси янги таҳрирда қабул қилинган эди. Нега бугун яна шу моддага қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлди?**

— Айтиб ўтилганидек, Оила кодексининг 17-моддасида барча никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши шарт эканлиги белгиланган. Аммо мазкур кодекснинг 13-моддасида алоҳида ҳолларда, яъни ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги каби ҳолатларда фуқароларнинг ариза берган кунда никоҳдан ўтишлари белгилаб қўйилган. Албатта, тиббий кўрикдан ўтиш осонгина кечадиган жараён эмас. Содда қилиб айтганда, тиббий кўрикдан ўтиш ҳомиладор ёки ёш болали аёл, касалманд ёхуд кекса киши учун ўзига яраша қийинчиликлар туғдиради ва маълум вақт талаб этади. Демак, кўриниб турганидек, бундай ҳолларда ариза берилган куни никоҳдан ўтиш ўз-ўзидан ортга сурилиб кетади.

Амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этадиган мазкур қонун лойиҳаси ана шу ҳаётий зарурат туфайли яратилди. Қисқа қилиб айтганда, никоҳ жараёни билан боғлиқ меъёрларни бир-бирига мувофиқлаштириш ҳамда фуқароларга янада қулайликлар яратиш мақсадида Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритилмоқда.

**— Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниб кучга киргач, фуқаролар учун қандай имконият ва қулайликлар яратилади?**

— Аввало, айтиб ўтилганидек, Оила кодексининг 13- ва 17-моддалари ўртасидаги номувофиқлик бартараф этилиб, соҳа қонунчилиги янада такомиллаштирилади. Бу эса фуқароларимизнинг алоҳида ҳолларда ариза берган куни никоҳ тузиш ҳуқуқини таъминлайди.

Шунингдек, эллик ёшдан катта никоҳланувчи шахслар ўзларининг розиликлари билангина тиббий кўрикдан ўтадилар. Борди-ю, исташмаса, тиббий кўрикдан ўтмасликлари ҳам мумкин. Аммо ўзининг, турмуш ўртоғининг соғлиғини ўйлаган киши борки, тиббий кўрикдан ўтиб қўйишни ортиқча ҳисобламайди.

Табиийки, янги қонун, ўз навбатида, эр-хотиннинг, шунингдек, ота-она ва вояга етмаган болалар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қонун билан янада кучлироқ таъминланишига замин яратади.

Қисқаси, мазкур қонун оилалар барқарорлигининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, оилалар барқарорлиги жамиятимиз фаровонлигининг гаровидир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

# ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ВА ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўзга чиққанлар шуни алоҳида таъкидладиларки, минтақа иқтисодиётини юксалтириш, корхоналарни реконструкциялаш ва янги корхоналар қуриш, уларни замонавий техника билан таъминлаш, энг янги технологияларни жорий этишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини ошириш йўналишидаги, шунингдек, бошқа муҳим минтақавий ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Тадбир иштирокчилари шуни ҳам қайд этиб ўтдиларки, давлат объектларини хусусийлаштиришда энг муҳими, бу — корхоналарни ҳақиқий эгасига, хусусийлаштирилган завод ёки фабрикани модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳамда хизматлар йўлга қўйилишини ташкил этишга қаратилган самарали чораларни амалга оширишга қодир моҳир менежерларга топширишдир.

Бундан ташқари, сенаторлар минтақада инвестиция муҳитини яхшилаш зарур эканлигини, шунингдек, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва реконструкциялаш дастурларини амалга ошириш, минтақаларнинг меҳнат кучи мўлроқ жойларида янги иш ўринларини барпо этиш учун, жумладан, чет эл инвесторларига ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатлар таъмин этилган ҳолда хусусий тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш жоизлигини таъкидладилар.

Иштирокчилар хусусийлаштириш дастурларини амалга ошириш учун хусусий тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар билдирдилар.

Ўзаро фикрлашув асносида давра суҳбати иштирокчилари бир қанча таклифларни ўртага ташладилар ҳамда хусусийлаштириш ва инвестициялаш минтақавий дастурлари самарадорлиги мониторингини амалга оширишга доир тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг депутатлари, Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, олимлар, инвесторлар ва мулкдорлар иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

**Тадбир**

*Чирчиқ шаҳрида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари)нинг ҳуқуқий билимларини такомиллаштириш мавзуида ўқув семинари ташкил этилди.*

# МАҲАЛЛА ЕТАКЧИЛАРИ ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти минтақавий ахборот-таҳлил маркази томонидан уюштирилган тадбирда вилоятда биринчи бор сайланган маҳалла раислари, "Маҳалла" жамғармаси мутахассислари, ҳокимликлар, ички ишлар ва адлия бошқармалари мутасаддилари иштирок этди.

Ўқув семинарида сўз олган қуйи палата Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов истиқлол йилларида маҳаллалар қайтадан бўй кўрсатганини алоҳида эътироф этди. Чунончи, мамлакатимизнинг 30 дан зиёд қонун ҳужжатларида фуқаролар йиғинлари мақомига оид нормалар акс этганлиги уларнинг изчил шаклланишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳалла раислари мазкур ҳуқуқий мажмуалардан қандай тартибда фойдаланишларига, улар фаолиятининг асосий мезонларига батафсил тўхталдилар. Зеро, қонун ҳужжатларидан бохабар оқсоқолгина ўз маҳалласи муаммоларини ҳал этишга қодирлиги ҳар бир иштирокчи томонидан таъкидланди.

Очиқ мулоқотда маҳалла раислари депутатларга саволлар билан мурожаат этиб, бу борадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан яқиндан танишдилар.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Модернизация**

# ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

***"Қўқон механика заводи" акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги газ ва нефть саноати корхоналари учун зарур замонавий ускуналар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан биридир.***

Кейинги йилларда корхонада модернизациялаш ишлари муваффақиятли амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот тури кўпайди. Табиийки, ўсиш суръати жамиятнинг имкониятларини бирмунча кенгайтирди.

Айтиш лозимки, корхона салоҳиятининг ошиши республикамиз саноат индустриясининг ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.



**СУРАТДА:** "Қўқон механика заводи" акциядорлик жамияти токари Улуғбек Усмонов иш жараёнида.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# МУСТАҚИЛ ОПЕРАТОРЛИКНИНГ АФЗАЛЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

га камайди. Энг муҳими, тежаб-тергаб фойдаланилиши туфайли аввалги йиллардагига қараганда, электр энергияси анча тежалди.

— Бугунги кунда туман аҳолисидан ташқари, 425 та юридик шахсга ҳам хизмат кўрсатаяпмиз, — дейди жамият раҳбари Бахтиёр Халилов. — Ўтган қисқа вақт ичида истеъмолчиларнинг аксарият қисмига электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Янги хизматларнинг жорий этилиши ва назоратнинг кучайтирилиши туфайли тизимга ноқонуний уланиш ҳоллари қайд этилмади, қарздорлик йўқ ҳисоби. Амалга оширилаётган ишлар, энг аввало, аҳоли манфаатини кўзлаб, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш мақсадида қилинаётганини истеъмолчилар тушуниб етишди. Бу фаолиятимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхона эришган натижалар 2008 йилда пойтахтимиздаги яна иккита — С. Раҳимов ва Сергели туманларида хусусий операторлик хизматини жорий этишга йўл очди.

Тадбирда уларнинг ҳисоботи тингланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди, аҳолига замонавий ва қўшимча сервис хизматлари кўрсатишни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, қўмита томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда соҳада жорий этилган янгиликлар ва илғор натижаларни тарғиб қилиш мақсадида тайёрланган методик қўлланманинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КАСАНАЧИЛИК КЕЛТИРАЁТГАН ФОЙДА

***Сурхондарё вилоятида янги иш ўринларини яратишда касаначилик яхши самара бермоқда. Бунда Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида касаначилик билан банд бўлган ишчи-хизматчилар ҳамда иш берувчиларга яратилган қатор имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда яратилган 44 мингдан зиёд янги иш ўринларидан тўрт мингтаси айнан шу асосда ташкил этилди.

Йил давомида касаначилар томонидан 120 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда хизматлар кўрсатилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимликларни биологик ва кимёвий усулда ҳимоялаш, чорва молларига зооветеринария хизматлари кўрсатиш ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили вилоятда касаначилар томонидан 1,42 миллиард сўмдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Жумладан,

**Ислоҳот**

Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш қўшма корхонасида ўтган йили 25 киши касаначилик йўли билан ишга жойлашди. Улар томонидан 17,4 миллион сўмга яқин маҳсулот тайёрланди. «Қизириқпахта» акциядорлик жамиятида эса 25 нафар касаначи йилига 23,2 миллион сўмдан зиёдроқ ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу эса мазкур корхоналарнинг даромади сезиларли даражада ошишига хизмат қилди.

Касаначиликни йўлга қўйиш орқали иш берувчилар Фармонда белгиланган қатор имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Ўтган йили ана шу имтиёзлар эвазига вилоят корхоналарида жами 102 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди. Бу маблағ корхоналарнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сарфланди.

Касаначилар ҳам давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишаяпти. Уларга меҳнат дафтарчалари очилган. Ишига қараб маош тўлаш баробарида, касаначиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Касаначиларга иш берувчилар томонидан зарур асбоб-анжомлар ва хом ашё етказиб берилган.

Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришда касаначилик катта фойда келтирмоқда.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камолга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар негизида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она меҳридан бебаҳра ўғил-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, пухта таълим-тарбия олиши, жамиятимиздан муносиб ўрин эгаллаши учун барча шароитни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу борадаги вазифалар ижросида турли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этаётир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти бунинг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган "Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори мазкур ташкилот фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти, истиқболи, таълим-тарбияси баробарида ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг қайта ташкил этилиши ижтимоий ва тиббий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий мослашуви масалаларини мукаммал ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, болалар ўртасида жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келадиган омилларнинг салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда ушбу ҳужжат имконияти чекланган болалар билан ишлайдиган мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий талабларни ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда, тизим самарадорлигини оширишга доир комплекс дастурлар ишлаб чиқишни янги, янада юқори поғонага кўтаради.

Алоҳида эътиборга муҳтож ўғил-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, бу масъулиятли жараённи мувофиқлаштириш, изчил назорат ва таҳлил этиш, болалар саломатлиги, таълим-тарбияси билан боғлиқ долзарб масалаларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, мавжуд камчиликларнинг ечимини топиш мазкур марказ фаолиятининг асосий йўналишларидандир.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг ўринбосари Жамолиддин Фозиловнинг айтишича, айни пайтда мазкур марказда ижтимоий ҳимоя, таълим-тарбия, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига оид давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни ҳар томонлама муҳофаза этиш борасида зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказ қошида ташкил этилган Ахборот-консалтинг хизмати болаларга психологик, ижтимоий-педагогик, дефектологик, логопедик, юридик, услубий, ахборот-таълим ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида уч минг нафардан зиёд алоҳида ижтимоий кўмакка муҳтож ўғил-қиз ана шундай хизматдан баҳраманд бўлди. Салкам тўрт юз нафар ота-онага мазкур йўналишда услубий кўмак берилди.

**Қарор ва ижро**

Бу ерда фаолият кўрсатаётган мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат Жамоатчилик кенгаши меҳр-эътиборга муҳтож ўғил-қизларни ижтимоий муҳофазалаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни мувофиқлаштириб боради. Кенгаш болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мақбул йўлларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш, бу йўналишда устувор вазифаларни белгилаш, ёш авлодни ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган вақт мобайнида марказ олимлари ва мутахассислари томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари руҳиятидаги психологик ҳолатларни ўрганиш, юртимизда ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг янги шаклларини жорий этиш бўйича самарали илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Меҳрибонлик уйларида психологик-педагогик кўмак хизматини шакллантириш, ўғил-қизларнинг жамиятга интеграциялашуви жараёнини ўрганиш, уларни ижтимоий-руҳий қўллаб-қувватлашнинг илмий-услубий асосларини яратиш борасида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Ушбу лойиҳалар натижаси ўлароқ, ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича муқобил усулларни жорий этиш, уларни таълимнинг барча босқичи билан қамраб олиш, касб-ҳунарга йўналтириш ва иш билан таъминлашнинг самарали тизими шаклланди. Меҳрибонлик уйларининг психологик-педагогик, маънавий-маърифий йўналишлардаги фаолиятини янада яхшилаш, педагог ва психологлар, тарбиячи ҳамда мураббийларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишнинг изчил механизми яратилди.

Олимлар, психологлар, ҳуқуқшунослар томонидан илмий жиҳатдан асосланган ушбу тавсиялар юртимиздаги мавжуд 28 та Меҳрибонлик уйи, 23 та санаторий типидаги махсус мактаб-интернат, ижтимоий ва тиббий кўмакка муҳтож болалар учун мўлжалланган 89 та махсус мактаб-интернатнинг педагог ва психологлари, ижтимоий соҳа мутахассислари томонидан амалиётга жорий этилмоқда.

Марказ томонидан тиббий имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, инклюзив таълимни ривожлантириш юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда ишлаб чиқилган илмий тавсиялар, инновацион ишланмалар ногирон болаларни ижтимоий-психологик реабилитация қилиш, жамиятга интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ногиронликнинг олдини олишда гўдаклар саломатлигининг илк давридаги қатъий тиббий назорат муҳим аҳамиятга эга. Марказ томонидан бу йўналишда татбиқ этилаётган лойиҳалар тиббий имконияти чекланган ўғил-қизлардаги касалликларни барвақт аниқлаш, уларни даволаш, хасталик хавфини камайтириш, ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг ўқиши учун тенг шароит яратиш имконини бераётир.

Қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган форумлар, конференциялар ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-тиббий, психологик-педагогик, ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашиш борасида тўпланган бой тажрибани оммалаштириш, илмий тавсияларни амалиётга изчил жорий этишда ўз самараларини бермоқда. Бундай тадбирлар хулосаларига кўра, навқирон авлод манфаатларини таъминлашга, алоҳида эҳтиёжли болаларни муҳофаза қилишга доир қонунчилик базаси янада такомиллаштирилмоқда. Анжуманларда қабул қилинган таклиф ва тавсиялар ижтимоий соҳага йўналтирилган давлат дастурларининг қабул қилинишида катта аҳамиятга эга. Айни пайтда мунтазам ўтказилаётган ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга, маънавий-интеллектуал дунёсини бойитишга хизмат қилаётир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, ёш авлод камолоти, истиқболи йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг, юртимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда эканининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Маънавият

**Б***из ишқни қандай тушунамиз, унинг асл мазмун-моҳияти нимада? Абдураҳмон Жомий айтади: "Ёшлик айёмининг равнақи ишқдир, икки жаҳон бахт-муродининг сабаби ишқдир. Фалакка ҳаракат қилиш майлини ишқ берди, покланиш завқини фариштага ишқ берди. Жон гули ошиқлик ҳидини олгач, тана лойи билан алоқадорлик расмини қабул қилди. Бизнинг жисмимиз ва жонимиз орасидаги алоқа ундан, ўлишимиз, тирилишимиз ҳам ундан". Кўриниб турибдики, Жомий ишқни илоҳий беинтиҳо қудрат деб билади, унга оламни ҳаракатга келтирувчи куч деб баҳо беради. Алишер Навоий эса маъшуқага (оламга, ёрга, қалбга) ҳирсу ҳавас билан эмас, пок назар билан боқиш ишқнинг асоси ва биринчи шартидир, деган фикрни илгари суради. Жумладан, у "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ёзади: "Ул (яъни, ишқ) пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олмоқ".*

# ИНСОН ҲАЁТИНИНГ МАЪНОСИ

**У**муман, айтиш лозимки, Навоий ишқни уч қисмга ажратади. Биринчиси — авом ишқи, иккинчиси — "хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар", учинчиси — "ҳақиқат бодасидан маст риндлар". Навоий муҳаббатни "покбозлик" дейиш билан бирга бу ажиб инсоний туйғуни инсон ахлоқига боғлаб қабул қилади. Унинг наздида инсон нечоғли етук, қалби пок, ахлоқий соф бўлса, унинг кўнглидан ишқ шунча кўп ўрин олади, завқу шавққа шу қадар тўлиб-тошади. Қолаверса, пок ишқни куйлаган шоирлар "покбоз" ошиқлардир, бошқаларга ибрат ва намунадир.

Алишер Навоийнинг "ишқномаси", айниқса, "Ҳайрат-ул аброр" достонида ўзига хос тарзда акс этади. Чунончи, унга махсус боб ҳам ажратилган. Боб сарлавҳаси қуйидагича: "Ишқ ўти таърифидаким, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва аҳгари балокаш кўнгул парголалари дурур ва бу меҳнат қаро шоми анинг тутуни ва бу шомнинг мухтариқ кавкаблари анинг учқуни дурур. Ва ҳусн анвориким, мунча ўтқа боис, анинг барқидин бир ламъа ва мунча ҳароратға мужиб, анинг қуёшидин бир ашиъаддурур".

Одатда, Навоий сарлавҳалар замирига бобда зикр этилажак воқеа ва фикрларнинг мағзини беришга эътиборини қаратади. Шу маънода ушбу сарлавҳа шоирнинг ишқ ҳақидаги қарашларининг асоси деса бўлади. Эътибор берсангиз, у "ишқ" сўзи билан вобаста ҳолда "ўт", "шуъла", "бало","балокаш кўнгул", "меҳнат қаро шоми", "ҳусн", "ҳусни анвори" каби сўз ва ибораларни қўллайди. Дарҳақиқат, ишқ азобсиз, ўт-алангасиз кечмайди. Бильакс, кўнгилни минг балога гирифтор этади, аниқроқ айтсак, ошиқни изтироблар, қийноқлар синовидан ўтказади, шундан кейингина ёр висолига мушарраф этади. Навоийнинг уқтиришича, ишқ азалдан инсон боласининг ҳилқатида мавжуддир. У "руҳ майли" билан жисмга кириб келади ва маст қилади. Руҳ оламининг гўзаллиги ҳусни "гумондин фузун" — беҳад зиёд. Инсон жисмига таралган ишқ оҳанрабоси шу беҳудуд гўзаллик оламидан тушган нурдир. Булбул гулга ошиқ бўлиб сайраганидай, инсон шу шуъладан маст, бетоқат бўлиб, ўзини йўқотиб, мажнун каби ошуфтадир. Билланиҳоя, инсон дунё гўзаллигининг ошуфтаси, ҳаёт эса уни сеҳрлаб қўяди. Алҳол, бу сеҳр баъзан гўзал аёл ёки чиройли ёр қиёфасида ҳам барқ уради.

*Ишқ чу туғёни камол айлади,*
*Ошиқ ўзин шефта ҳол*
*айлади.*
*Ҳусн доғи жилва қилиб*
*дилписанд,*
*Зулфға топширди*
*балодин каманд.*
*Тушти жаҳон мулкиға*
*ғавғои ишқ,*
*Бўлди замон аҳлиға*
*яғмои ишқ.*



— Ишқ туғёни шунчалик қудратлики, — дейди шоир, — бутун борлиқни қамраб олган "жаҳон мулки" ҳам, яъни жонсиз жисмлару жонзотлар, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз ашёлар, еру осмон жисмлари ҳам ишқ қонуни билан яшайдилар.

Бундан ташқари, ишқ нафақат тириклик қонуни, у ахлоқ, маънавий тарбия, камолот жавҳаридир. Алишер Навоий аминлик келтирадики, кўнглида ишқ ўти аланга олган одам ёмонликка қўл бермайди, ўзгаларга уни раво кўрмайди. Зеро, ишқ — саховат чашмаси. У кўнгилда ёқилган чироқ, кўнгилни ёритиб, унга илму маърифатни жо этгувчи мураббийдир. Ишқ инсонни гўзалликка ошно қилади, нафосат сиру асрорини кашф этишга ундайди, дидини, фаросатини, зеҳн ва қобилиятини чархлайди, натижада ошиқ зукко ва тезфаҳм кишига айланади. Ишқ — мангу илиқ ёқимли ҳарорат, икки жаҳоннинг таскин ва сафоси, жондан ҳам азиз жон.

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон*
*бўлмасун,*
*Икки жаҳон демаки,*
*жон бўлмасун.*
*Ишқсиз ул танки,*
*анинг жони йўқ*
*Ҳуснни нетсун кишиким,*
*они йўқ.*

Аммо ҳеч қачон унутмаслик керакки, ишқнинг биринчи шарти, пойдевори ҳам вафодир. Алалхусус, Навоий, "Ҳайрат-ул аброр"да ишқ бобидан олдин вафо бобини киритади. Боиси вафо аввало муҳаббатда кўринади, синалади. Зотан инсон зоти ёлғиз яшолмайди, ёрсиз, дўстсиз, меҳрибон кишисисиз одамнинг аҳволи забун.

*Ёрсиз эл оҳи ғам-андуд эрур,*
*Ёнса йиғоч ёлғуз,*
*иши дуд эрур.*
*Тоқ киши айши уйин*
*бил нигун,*
*Уйга қачон ҳомил*
*ўлур бир сутун?*
*Синса уқоб эгни*
*уза бир қанот,*
*Тез учар, лек анга*
*бирдам ҳаёт.*

Ҳа, ёлғиз киши ёлғиз дарахтдай бесамар, чақмоқ тошни бошқа тошга урилганда ўт чиқади, бургутнинг бир қаноти синса, қулаб тушади, битта ўтиндан эса тугал олов ёқиш душвор. Ушбу мисоллар орқали Навоий ҳаётнинг абадий қонунларидан бири жуфт бўлиб, жамият бўлиб яшашда эканлигини таъкидлайди. Бундай жуфтликда бир-бирига вафодорлик, садоқат кўрсатиб яшаш зарурлигини ҳикматона шаклда баён этади. Унинг фикрича, вафо оламнинг энг ноёб гавҳари. Ахир: "Сўрса отин аҳли сафо жавҳари, оҳ чекиб деки, вафо гавҳари". Валлоҳ, у инсон умрининг зийнати, улуғворлик бахш этадиган хислатидир. Албатта вафо ўз мазмун-муддаоси ила беғараз, холис бўлиши даркор. Қуёш мавжудотга нур сочар экан, ҳеч қачон тама, мукофот учун қилмайди бу ишни. Вафодор, карамли одам ҳам жафо кўрса-да, вафо йўлидан қайтмаслиги керак. Сир эмас, "Дарахт қанча кўп ҳосил боғласа, унга шунча тош отадилар". Меҳрга номеҳрибонлик билан жавоб қайтариш чархи даврон шеваларидандир. Бироқ яхши инсонлар бундан ибрат олиб, бу "кажрафторликка" тақлид қилмай вафога вафо билан жавоб қайтаришга интиладилар. Ҳолбуки, ободлик шундан, маъмурлик шундан, фаровонлик, тўкинлик-сочинлик шундан, ишонч ва умид гуллаб-яшнаши ҳам вафога садоқатдадир. Бамисли шу ўринда бугунимизни кўз ўнгимизга келтирайлик, "обод ва озод" фаровон ва эркин ватанимизни ранжу машаққатлар чекса-да, вафо ва сидқи садоқат билан юксакларга кўтариб хизмат қилаётган соҳиби давлатимизнинг "пок ишқи" ана шу мезон эмасми? Шак-шубҳасиз, шундай. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобларида виждон поклиги ва бедорлиги тўғрисида куйиниб айтадилар: "Чиндан ҳам, одамзод бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қанақа маъноси қолади?"

**В**оқеан, Навоий ижоди шу жиҳатдан шуълавор чашмадирки, унда ишқда покбозлик тараннуми жўшади, вафода садоқат, иймонда бутунлик муҳимлиги тасдиғини топади. Мухтасар айтганда ёрнинг ёрлиги, одамнинг одамлиги учун инсон ўзини, жумладан меҳр-муҳаббатни теран англамоғи даркор. Бунинг учун қалбни, орзу-умидларни, хоҳишларни пок тутмоқ керак. Садоқат ва вафо бодасини эътиқод қадаҳига қуйиб, қалбни масрур этмаги шарт. Шунда, шак-шубҳасиз, инсон нурланади, ўзига дунёларни мафтун этади.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**




## НОЁБ ҚУШЛАР КЎПАЙМОҚДА

***1997 йилдан буён 2 февраль — Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлари куни сифатида кенг нишонлаб келинади. Негаки, қисқача Рамсар конвенцияси деб юритиладиган сувли-ботқоқли ҳудудлар экотизимини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжат ушбу санада имзоланган эди. Конвенцияга дунёнинг 158 та давлати, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган.***

Сана

Мутахассисларнинг айтишича, бу ҳужжатга аъзо бўлишнинг асосий шарти мамлакат ҳудудида қушларнинг кўпайиши учун қулай ҳисобланган сувли-ботқоқли ҳудудларни ташкил этиш ва экотизимини ривожлантиришдир. Бухоро вилоятидаги Денгизкўл ҳавзаси ана шундай ҳудудлар сирасига киради. Шу боис у 2001 йилда конвенциянинг халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқлар рўйхатига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ташкил этилган матбуот анжуманида бу ҳақда атрофлича маълумот берилди. "Ўзбекистоннинг фауна ва флора дунёси муҳофазасида Рамсар конвенцияси доирасидаги сув-ботқоқ ҳудудлари истиқболлари" мавзусидаги мазкур тадбирда қўмитанинг масъул ходимлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, соҳага тегишли илмий-тадқиқот институтлари олимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тобора бойиб бораяпти. Сув ҳавзалари ҳудудларида нафақат ноёб қушлар, балки турли-туман ўсимликлар ҳам барқ уриб ўсмоқда. Буни "2008-2015 йилларда Айдар-Арнасой кўллари тизимидан самарали фойдаланиш ва унинг экологик ҳолати барқарорлигини таъминлаш ҳаракатлари дастури" доирасидаги ишлар натижаси ҳам яққол кўрсатиб турибди. Пировардида 2008 йили Айдар-Арнасой кўллар тизимига конвенция котибияти томонидан "Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар" мақоми берилди.

Анжуманда соҳада олиб борилаётган ишлар, хусусан, минтақамиз орнитофаунасини асраб-авайлаш, сув ҳавзалари ва кўллар тизими биоресурсларини муҳофаза қилиш ишлари ва истиқболлари ҳақида маърузалар қилинди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Р. САИДОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

***Бундан ўн йил муқаддам, яъни 1999 йил 1 февраль куни Президентимизнинг "Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди.***

## КУРАШИМИЗ ДОВРУҒИ



**Ў**з вақтида қабул қилинган мазкур Фармон мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, инсонийлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган миллий спортимиз — курашнинг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё бўйлаб кенг оммалашишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг беш қитъасидаги 120 га яқин мамлакатларда кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу ХКА томонидан курашни дунё бўйича оммалаштириш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ибратли ишлар самарасидир. Бундан ташқари, кураш 2009 йили Вьетнамда бўлиб ўтадиган ёпиқ иншоотлардаги ва Таиланд давлати мезбонлик қиладиган якка кураш спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Беш марта ёшлар, олти маротаба катталар ўртасида жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан уюштирилди.

Курашга оид яна бир янгилик. ХКА матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, 30 январь куни Олимпия ўйинлари Ватани Грециянинг Салоники шаҳрида кураш бўйича анъанавий V халқаро Ислом Каримов турнири бўлиб ўтди.

Халқаро Кураш Ассоциациясининг 2009 йилги тақвим режасидан ўрин олган биринчи халқаро мусобақада дунёнинг турли қитъасидаги 30 га яқин мамлакатдан келган 100 нафардан ортиқ полвонлар 73, 90 килограмм ва мутлақ вазн тоифаларида гиламга чиқишди. Турнирнинг тантанали очилиш маросимида Салоники шаҳри губернатори Панаётис Псомиади ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Муросасиз ўтган беллашувлар якунида мутлақ вазн тоифасида ҳамюртимиз, дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев биринчи ўринни қўлга киритди. У финалда грециялик номдор полвон Дионисис Иллиадисни мағлубиятга учратди. 73 килограмм вазн тоифасида Чвича Циклаури (Грузия), 90 килограмм вазн тоифасидаги курашчилар орасида эса Моисес Иллиадис (Греция) шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни ҳар томонлама вояга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида бу борадаги муҳим вазифалар белгиланди.***

## ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД АСОСИДА

**С**урхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев бошқарган йиғилишда мазкур вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда болалар спортини ривожлантириш юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида Сурхондарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Жарқўрғон туманидаги 3-мактабда замонавий спорт иншооти, саккизта мактабда спорт заллари барпо этилиб, белгиланган нормативларга асосан жиҳозланди. Бу мақсадлар учун 1 миллиард 69 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига 142 миллион 800 минг сўмлик спорт кийимлари берилди.

Вилоятда аҳолининг барча қатламларини соғломлаштириш, ўқувчи-ёшлар, хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, мунтазам спорт мусобақаларини ташкил этиб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилмоқда. 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ўтказилган олтмишдан зиёд спорт мусобақаларида қарийб 13 минг ўғил-қиз иштирок этди. Шундан ўн мингга яқини қишлоқ ёшларидир.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Вилоятда кўплаб спорт турлари йилдан-йилга оммалашиб, ўз иқтидори ва маҳорати билан спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаётган ёшлар сафи кенгаймоқда. Буни 2008 йилда сурхондарёлик спортчилар республика ва халқаро мусобақаларда 125 медални қўлга киритгани ҳам тасдиқлайди.

Мажлисда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Айрим қишлоқ мактаблари спорт залига эга эмас. Жойларда фаолият кўрсатаётган барча спорт иншоотларидан унумли фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Қишлоқ ёшларини спортга янада кенг жалб этиш, айниқса, қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, хотин-қиз мураббийлар сафини кенгайтириш ишлари ҳамон долзарблигича қолаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва галдаги вазифалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**


*Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**«Ўзбекэнерго» ДАК**
**«Наманган электр тармоқлари» ОАЖ**

**Наманган шаҳри, Давлатобод даҳасидаги Дўстлик электр тармоқлари бўйича электр энергиясини сотиш учун оператор (юридик шахс)ни танлаш бўйича танлов ўтказади.**

**Шартнома (контракт)нинг энг кам амал қилиш муддати** — бир йил.

**Танлов ташкилотчиси** — «Наманган электр тармоқлари» ОАЖ.

**Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун танлов ташкилотчилари** — «Наманган электр тармоқлари» ОАЖга ва вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига сўровнома билан қуйидаги манзилларга мурожаат этишлари лозим:

**«Наманган электр тармоқлари» ОАЖ:**
**Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй.**
**Телефон: (8-369) 226-48-52.**

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси:**

**Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-уй.**
**Телефон: (8-369) 233-29-65.**

71R/97


## Рустам Қосимжонов пешқадамлар сафида

***Аввал хабар берганимиздек, 16 январь — 1 февраль кунлари Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида шахмат бўйича йилнинг биринчи йирик турнири ўтказилди.***

Унда дунёнинг қирқ нафардан ортиқ кучли "ақл гимнастикаси" усталари тўплаган рейтинг балларига кўра, уч гуруҳга бўлиниб дона сурдилар. Турнирнинг "В" гуруҳида халқаро гроссмейстер, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов (2687 — жамғарган рейтинг балли) юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Ушбу гуруҳда Кришнан Сашикиран (Ҳиндистон, 2711), Франсиско Вальехо (Испания, 2702), Захар Ефименко (Украина, 2688), Александр Мотилев (Россия, 2676), Андрей Волокитин (Украина, 2671), Найжел Шорт (Англия, 2663), Фабиано Каруана (Италия, 2646), Давид Навара (Чехия, 2638), Ян Верле (Голландия, 2607), Эрвин Л'Ами (Голландия, 2603), Хоу Ифань (Хитой, 2571), Энрике Мекинг (Бразилия, 2567), Димитрий Рейндерман (Голландия, 2549)лар бош соврин учун кураш олиб бордилар.

Таъкидлаш жоизки, Рустам мусобақани муваффақиятли бошлаганди. У охирги турга қадар биринчи ўринга асосий даъвогарлардан саналаётганди. Аммо сўнгги турда ҳамюртимиздан омад юз ўгирди. Шахматчимиз россиялик Александр Мотилевга ютқазиб қўйди.

Мусобақа якунида италиялик шахматчи Фабиано Каруана 8,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. 8 очкодан жамғарган Найжел Шорт (Англия), Александр Мотилев (Россия) ва юртдошимиз Рустам Қосимжонов иккинчи, тўртинчи ўринлардан жой олишди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**
**тайёрлади.**





## ОБ-ҲАВО (3 февраль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғиши мумкин, туман тушади. Кечаси ва кундузи 2-7 даража совуқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари**. Ёмғир, шимолда эса қор ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Тунда ва кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий ҳудудида кечаси ва кундузи 2-7 даража совуқ.

**Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.** Ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат кечаси ва кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Кечаси ва кундузи 0-5 даража илиқ.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Тунда ва кундузи 2-7 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

**Фарғона водийси.** Ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат кечаси ва кундузи 0-5 даража илиқни ташкил этади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Тунда ва кундузи 2-4 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси жамоаси бош мутахассис Бахтиёр Убайдуллаевга падари бузруквори

**Ҳаким ота УБАЙДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси институтда узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган

**Бахтиёр Шомуродович АҲМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси Иқтисодий назария, тарих ва ҳуқуқ кафедраси мудири Бахтиёр Йўлдошевга акаси

**Раҳмонали ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқима технологияси ва дизайни кафедрасининг доценти С. С. Раҳимхўжаевга отаси

**Саидғози ота РАҲИМХЎЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 7